



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G ‘I

2022 yil “16” noyabr

№ 4

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча турдаги бюджет муассасаларининг бошқа (бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 майдаги ПФ-136-сон Фармониға мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча турдаги бюджет муассасаларининг:

молия, иқтисодиёт ва бухгалтерия хизматлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 1-иловаға мувофиқ;

бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари:

уч кун муддатда мазкур буйруқни тизимларидаги барча ташкилотларға етказилишини таъминлаш;

бир ҳафта муддатда барча соғлиқни сақлаш муассасалари молия, иқтисодиёт ва бухгалтерия хизматлари, бошқарув, техник ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларининг штатлар жадвалини мазкур буйруқ талабларидаш келиб чиқиб, қайта ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этсин.

3. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 29 мартдаги 06-3/210-1 - сон билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет муассасаларида фаолият юритаётган бош бухгалтерлар ва молиявий менежерларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари”;


Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 598 – сон буйруғи “Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисида низоми ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғининг 2-илоvasи “Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Фазилкаримов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

6. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.

Вазир



Б. Мусаев

Келишилган:

Молия вазири



Т. Ишметов

2022 йил “16” июль

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири



Н. Хусанов

2022 йил “16” июль

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси



Қ. Рафиқов

2022 йил “16” июль

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2022 йил “16” июл даги
4-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
барча турдаги бюджет муассасаларининг молия, иқтисодиёт ва
бухгалтерия хизматлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш**

РАЗРЯДЛАРИ

Т/р	Лавозим номи	ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
1	Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича ўринбосар*	15
2	Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи	14
3	Бош бухгалтер	14
4	Бош бухгалтер ўринбосари	14-5%
5	Бош иқтисодчи	13
6	Иқтисодчи	
6.1	Етакчи иқтисодчи	12
6.2	1-тоифали иқтисодчи	11
6.3	2-тоифали иқтисодчи	10
6.4	Иқтисодчи (тоифасиз)	9
7	Бухгалтер	
7.1	Етакчи бухгалтер	12
7.2	1-тоифали бухгалтер	11
7.3	2-тоифали бухгалтер	10
7.4	Бухгалтер (тоифасиз)	9
8	Давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш бўйича мутахассис	
8.1	Харидларни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассис	12
8.2	Харидларни ташкил этиш бўйича 1-тоифали мутахассис	11
8.3	Харидларни ташкил этиш бўйича 2-тоифали мутахассис	10
8.4	Харидларни ташкил этиш бўйича мутахассис (тоифасиз)	9

Изоҳ.

1. Молия, иқтисод ва бухгалтерия хизмати ходимларининг малака тоифалари республика даражасидаги муассасалар учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамда бошқа муассасаларга ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органларининг тегишли буйруғига асосан берилади.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда мутахассислиги бўйича кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (тузатиш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

- бир йилдан уч йилгача — 0,3;
- уч йилдан беш йилгача — 0,60;
- беш йилдан етти йилгача — 1,0;
- етти йил ва ундан юқори — 1,2.

3. Мутахассислик бўйича иш стажини белгилаш учун ходимнинг меҳнат дафтарчаси асос ҳисобланади ҳамда давлат ва нодавлат муассасаларда мутахассислиги (молия, иқтисод, бухгалтерия) бўйича фаолият юритган барча даврларидаги умумий иш стажини ҳисобга олинади.

4. *Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича раҳбар ўринбосари лавозими учун олий маълумот талаб этилади.

Молия, иқтисод ва бухгалтерия хизмати ходимлари лавозимлари етакчи бошқармалар лавозимларига тенглаштирилади.

5. Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи, бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари ва бош иқтисодчи лавозимлари учун мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажини талаб этилади.

Бош иқтисодчи лавозими учун муассасада бир штат бирлигидан ортиқ иқтисодчи мавжуд бўлиши талаб этилади.

6. Шифо ўринлари мавжуд бўлмаган (койкасиз) муассасаларда молия, иқтисодиёт ва бухгалтерия хизматлари ходимларига меъёردа белгиланган тартибларга нисбатан икки бирлик кам меҳнатга ҳақ тўлаш разряди белгиланади.

7. Мазкур тадбирларни амалга ошириш харажатлари 2022 йилда Соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб эса зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилади.

8. Агар айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларнинг лавозимлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг мазкур разрядларидан юқори белгиланган бўлса меҳнатга ҳақ тўлашнинг юқори разрядлари ва тартиблари бўйича тўланади.

9. Ушбу тартиблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари, давлат унитар корхоналари ва масъулияти чекланган жамиятларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил “16” июл даги
4 -сон буйруғига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча турдаги бюджет муассасаларининг бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш

РАЗРЯДЛАРИ

Т/р	Лавозимлар номи	ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
1	Захира бирлашмаси директори	14
2	Захира бирлашмаси директори ўринбосарлари	14-5%
3	Захира бирлашмасида бўлим бошлиғи	13
4	Захира бирлашмаси бошқа мутахассислар	
	Етакчи мутахассис	11
	1-тоифали мутахассис	10
	2-тоифали мутахассис	9
	Мутахассис (тоифасиз)	8
5	Махсус тиббий таъминот база мудири	13
6	Махсус тиббий таъминот база мудири ўринбосари	13-5%
7	Махсус тиббий таъминот базада бўлим бошлиғи	12
8	Махсус тиббий таъминот базаларда бошқа мутахассислар	
	Етакчи мутахассис	10
	1-тоифали мутахассис	9
	2-тоифали мутахассис	8
	Мутахассис (тоифасиз)	8-5%
9	Навбатчи (Текшириш пункти навбатчиси, Дежурный КПП)	4
10	Автобаза бошлиғи	
	1-гуруҳ учун	13
	2-гуруҳ учун	12
	3-гуруҳ учун	11
11	Автобаза бошлиғи ўринбосари	
	1-гуруҳ учун	13-5%
	2-гуруҳ учун	12-5%
	3-гуруҳ учун	11-5%
12	Автоколонна бошлиғи, бўлим бошлиғи	
	1-гуруҳ учун	12
	2-гуруҳ учун	11
	3-гуруҳ учун	10

Т/р	Лавозимлар номи	ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
13	Автоколонна бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи ўринбосари	
	1-гуруҳ учун	12-5%
	2-гуруҳ учун	11-5%
	3-гуруҳ учун	10-5%
14	Автобаза бош муҳандиси (инженери), бош мутахассиси, бош механиги*	9
15	Ташкилотнинг хўжалик ва муҳандислик-техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмати, ташкилотнинг метрологик ва бошқа хизматлари, метрологик ва бошқа хизматлари, кадрлар бўлими бошлиғи	10
16	Етакчи муҳандислар, етакчи мутахассислар, етакчи инспекторлар*	9
17	Дастурловчи ("IT" мутахассислар, программист), Маълумотлар базаси дастурчиси, Компьютер алоқалари дастурчиси, Телекоммуникация тизими дастурчиси, Электрон тижорат тизими дастурчиси, Маълумотлар базаси дастурчиси*	9
18	Катта муҳандислар, катта мутахассислар ва катта инспекторлар*	8
19	Тиббиёт қурилмаларига хизмат кўрсатиш бўйича муҳандислар (техниклар)	8
20	Меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси, муҳофаа ишлари бўйича мутахассис, ҳаракат ва техника хавфсизлиги муҳандиси*	7
21	Агроном*	7
22	Кадрлар бўйича инспектор*	7
23	Архив, кутубхона, девонхона, устахона, хўжалик, қирхона мудирлари*	7
24	Барча номдаги муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар*	6
25	Барча номлардаги механик, техниклар, операторлар, диспетчер, муҳандис (инженер) метролог, барча номдаги муҳандислар*	6
26	Ўқилги-мойлаш материаллари оморчиси (оператори)	6
27	Фотограф	6
28	Моторист, токар, карбюратор устаси, барча номдаги автозаправкачилар, кислород балонлар заправкачиси ва техниги, ўтказиш қувурларини тайёрлаш ва таъмирлаш бўйича чилангар, чилангар (слесарь) *	6
29	Товаршунос (тиббий жиҳозлар бўйича мутахассис, дори-дармон бўйича мутахассис)*	6
30	Зоотехник*	6
31	Электр алоқа электромонтажчиси (муҳандис), телефон алоқа линия иншоотлари ва абонентлик қурилмалари муҳандиси, радиоалоқа муҳандиси*	6

Т/р	Лавозимлар номи	ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разряди
32	Кассир (ғазначи)	5
33	Тиббиёт омбори мудирини*	5
34	Омбор мудирини	5
35	Таъминот агенти (таъминотчи)*	5
36	Раҳбарнинг котиби, иш юритувчи, ётоқхона коменданти, экспедитор, вулканизаторчи	5
37	Виварий мудирини*	5
38	Ошпаз*	4
39	Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ва уларни сақлаш бўйича уста, бўёкчи, том тўшамалари қайта тикловчиси (том устаси, кровельщик), тунукасоz, сувоқчи, гишт терувчи, пайвандловчи	4
40	Электромонтёр, вентиляция бўйича муҳандис (вентиляция хизмати электриги ва мутахассиси), авто электрик, аккумуляторчи-электрик ва барча номдаги электриклар*	4
41	Сантехник жиҳозларга қаровчи ва уларни таъмирловчи ишчи (сантехник)	4
42	Рухсатнома бериш бюроси навбатчиси, ётоқхона навбатчиси, меҳнат инструктори	3
43	Қозонхона оператори	3
44	Қўриқчи (махсус муассасаларда соқчи)	3
45	Дурадгор, тикувчи, сартарош	3
46	Виварий хизматчиси, ҳайвонларни парвариш қилиш учун ёрдамчи ишчи (Подсобный рабочий по обслуживанию животных) разрядлари	3
47	Омборчи (подсобный рабочий), тозалаш иншооти ишчиси, юкчи (грузчик)	2
48	Боғбон, ҳовли супурувчи, хўжалик бекаси (кастелянча), кир ювувчи, кирхона ходими (кирхона ишчиси), ётоқхона фарроши, ошхона ишчиси, дазмолловчи	2
49	Хизмат хоналари фарроши, қоровул, лифтчи, ўт ёқувчи, гардеробчи	1
50	Барча номлардаги бошқа техник ва хизмат кўрсатувчи лавозимлар	6

Изоҳлар:

- Захира бирлашмаси, махсус тиббий таъминот базаларда бошқа мутахассис ходимларининг тоифалари қуйидаги тартибларда белгиланади:
тоифасиз – мутахассислиги бўйича иш стажини талаб этилмайди;
иккинчи тоифали – мутахассислиги бўйича камида 2 йиллик умумий иш стажини талаб этилади;
биринчи тоифали – мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик умумий иш стажини талаб этилади;
етакчи – мутахассислиги бўйича камида 7 йил ва ундан ортиқ умумий иш стажини талаб этилади.
- Иш стажини белгилаш учун ходимнинг меҳнат дафтарчаси асос ҳисобланади ҳамда давлат ва нодавлат муассасаларда мутахассислиги (лавозим) бўйича фаолият юритган барча даврларидаги умумий иш стажини ҳисобга олинади.

3. *Ушбу лавозимларда мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган ходимларга меъёردа белгиланган тартибларга нисбатан бир бирлик юқори меҳнатга ҳақ тўлаш разряди белгиланади.

4. Бир йилдан юқори иш стажига эга бўлган муҳандис(инженер)ларнинг лавозим маошларини белгилашда меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентларини 1,5 баробарга оширилган ҳолда ҳисобланади.

5. Ҳайдовчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9, 1/103-сон (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рўйхатдан ўтган) қарорига асосан белгиланади.

6. Автобазалар қуйида келтирилган тартибда гуруҳларга ажратилади:

1 – гуруҳ – 251 ва ундан ортиқ соз ҳолдаги автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда;

2 – гуруҳ – 151 – 250 дона соз ҳолдаги автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда;

3 – гуруҳ – 150 – донагача соз ҳолдаги автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда.

7. Тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи педагог ходимларга (Ўқитувчи, логопед, дефектолог, тарбиячи ва бошқалар) меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатида ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарорига асосан белгиланади.

8. Юридик хизмат ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 250-сонли қарорига асосан белгиланади.

9. Мазкур тадбирларни амалга ошириш харажатлари 2022 йилда Соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб эса зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилади.

10. Агар айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларнинг лавозимлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг мазкур разрядларидан юқори белгиланган бўлса меҳнатга ҳақ тўлашда юқори разрядлари ва тартиблари бўйича тўланади.